

ИСЛОМ ДИНИДА АДОЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ АХЛОҚИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ РОЛИ

Дилором ИБРАХИМОВА

ўқитувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

ibraximovadilorom26@gmail.com

Аннотация

Мақолада адолатнинг ижтимоий ахлоқий муҳит барқарорлигидаги роли таҳдил этилган. Адолат тушунчасининг умуминсоний моҳияти, ислом динининг ижтимоий барқарорлик, фаровонлик ва тараққиётдаги роли, адолатнинг исломий қадрият сифатида бугунги жамиятимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий ҳаётида регулятив аҳамиятга эга эканлиги назарий жиҳатдан ёритилган.

Таянч сўзлар: адолат, ахлоқ, ислом дини, ахлоқий муҳит, оиласвий муносабатлар, ижтимоий муносабатлар

РОЛЬ СПРАВЕДЛИВОСТИ В СТАБИЛЬНОСТИ СОЦИАЛЬНО- НРАВСТВЕННОЙ СРЕДЫ В ИСЛАМСКОЙ РЕЛИГИИ

Дилором ИБРАХИМОВА

преподаватель

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

ibraximovadilorom26@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется роль справедливости в стабильности социально-нравственной среды. С теоретической точки зрения освещаются общечеловеческая ценность понятия справедливости, роль исламской религии в социальной стабильности, благополучии и развитии, регулятивное значение справедливости в политической, нравственной и духовной жизни современного общества.

Ключевые слова: справедливость, нравственность, исламская религия, нравственная среда, семейные отношения, общественные отношения.

Адолат ҳар доим ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиётнинг асосий омиллардан бири ҳисобланган. Ҳар қандай жамият юксак ривожланишга, ахлоқий баркамолликка, маънавий идеалга интилар экан, шубҳасиз, ижтимоий муносабатларда адолат тамойилининг қарор топишини таъминлашга ҳаракат қиласди. Ислом динида ҳам адолатга жамиятдаги тартиб, барқарорлик, диний нормаларнинг бажарилишини таъминлашда асосий омил сифатида эътибор қаратилади. Хусусан, ислом

динида адолат ижтимоий ҳаётнинг турли даражаларида – оилавий, савдо-иқтисодий, хуқуқий, фуқаролик-шартномавий, маъмурий муносабатларни тартибга солишида асосий ахлоқий мезон ҳисобланади.

Дастлаб ижтимоий муносабатларнинг энг кичик даражасида намоён бўладиган, лекин аҳамияти нуқтаи назаридан жамиятнинг асоси бўлган оила ва ислом динида оилавий муносабатларда адолат масаласига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг бошлангич ҳужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, охир-оқибат у чуқур таназзулга юз тутади.

Шунинг учун ҳам қадимдан ҳар бир жамият оила масаласига катта эътибор бериб, оилаларнинг мустаҳкам ва баҳтиёр бўлиши учун имконида бор бўлган барча чора ва тадбирларни кўриб келган. Зотан, соф инсоний табиат худди шундай бўлишини тақозо қиласи [6].

Азал-азалдан ҳар қандай жамият оилавий муносабатларга жиддий қараб, жамиятдаги ахлоқий муҳит, барқарорлик ва тараққиёт айнан оиладаги тарбия, оила аъзолари орасидаги соғлом муносабатга боғлиқ деб ҳисобланган. Қайсики жамият ахлоқий жиҳатдан таназзулга юз тутган бўлса, унинг асл сабабларини шубҳасиз оиладаги ахлоқий муҳитнинг дарз кетганилиги, оиладаги муносабатларни ташкил этишда диний, миллий, ахлоқий тамойилларнинг, хусусан, адолат тамойилининг бузилишидан излаш керак. Масалан, замонавий Ғарбдаги асосий демографик (аҳоли сонининг камайиши, кексайиши, меҳнатга яроқли аҳолининг камайиб бориши), иқтисодий (ишчи кучининг етишмаслиги ва ташқи миграция ҳисобига буни тўлдиришга), ахлоқий (никоҳ ва оилавий муносабатларда муқаддаслик хусусиятининг инкор этилиши, “жинсий инқилоб”, бир жинсли никоҳ, авлодлар орасидаги ахлоқий зиддиятлар) муаммоларнинг илдизини оиланинг азалий диний ва миллий асосларидан воз кечганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ислом динида адолат тамойилининг оилада акс этиши оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари даражасида намоён бўлади. Масалан, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатда, турмуш ўртоғининг қариндошлари билан муносабатда адолат, ака-ука ва опа-сингил орасидаги муносабатда, қариндошлар билан муносабатда адолат қўзга ташланади. Оилавий муносабатлардаги адолат оиланинг мустаҳкамлиги, ҳамжиҳатлигига хизмат қиласди. Ҳар қандай даражадаги оилавий муносабатларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши, ҳар ким оилада ўз ўрнига эга бўлиши, оиланинг мустаҳкамлиги энг олий қадрият даражасига кўтарилиши адолатнинг оилавий муносабатларда қарор топишининг асосий белгилари ҳисобланади.

Энди ислом дини таълимоти бўйича конкрет оилавий муносабатларда адолат тамойилининг ўрнатилиши ва шу орқали оилада ахлоқий муҳитнинг барқарорлигини таъминланиши ҳакида фикр юритамиз. Дастлаб Ислом динига кўра оила қуришда эркак ва аёлларнинг шахсий танлови, ихтиёри, эркинлигига эътибор қаратмоқ жоиз. Кўпинча, мусулмон динининг оилавий муносабатлар билан боғлиқ шаръий ҳукмларини яхши билмаган кишилар никоҳ тузилишида аёлнинг розилиги шарт эмас, деган нотўғри, ахлоққа зид қарашни илгари сурадилар. Аслида исломий оилавий муносабатларда, хусусан, оила қуришда гендер тенгликка, адолатга катта ургу берилади. Исломда ҳар бир шахс ўз эрки, хуррияти ва истак-ҳоҳиши билан оила қуриши кераклиги алоҳида таъкидланади.

Бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир қанча ҳадиси шарифлари келган:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Маслаҳат сўралмагунча, жувон никоҳланмас. Изн олинмагунча, бокира никоҳланмас», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг изни қандай бўлади?» дейишиди.

«Сукут сақламоғи», дедилар» [7].

Ушбу ҳадиснинг мазмунидан англаш мумкинки, мусулмон дини оила

куришда аёлларнинг розилигига катта эътибор қаратади. Бу эса оилавий муносабатларнинг илк босқичидаёқ тенглик,adolat тамойилининг қарор топишига хизмат қиласди. Бу ерда қиз боланинг никоҳга розилигини билдириши ҳам ахлоқнинг ўзига хос кўринишига айланган. Одатда, оила бошлиғи қизи билан бундай масалада тўғридан-тўғри гаплашмайди. Аёлларнинг қизлари билан сухбатида қизнинг ибо, ҳаё, уят каби ижтимоий тартиб кўникмалари, тарбия очикдан-очик розилик билдиришга тўсқинлик қиласди. Исломда эса қиз боланинг никоҳга розилигини унинг сукути билан билдириши мумкинлиги кўрсатилади. Никоҳга розиликка бевосита никоҳ ўқилаётган вақтда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Оилавий муносабатлардаadolat тамойилининг қарор топиши эр ва хотин ўртасидаги муносабатда ҳам ўз аксини топади. Исломда оилада раҳбарлик қилиш билан боғлиқ масалага аниқ ечим берилган. Нисо сураси, 34-оят:

“Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиги сифатида доимий) қоим турувчиладир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг бирлари (эркаклар)ни бирлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир” [1].

Жисмоний ва иқтисодий имконияти кенглиги туфайли мусулмон динида оилага раҳбарлик қилиш масъулияти эркак кишига берилган ва бу оилавий тортишувларнинг олдини олишда, оила баҳт-саодатида энгadolatли ечим ҳисобланади. Чунки табиатан назокат тимсоли сифатида яратилган аёл киши рўзгорнинг оғир юкини тортиши эмас, ўз хусусиятидан келиб чиқиб оилада бошқа вазифалари бажаришиadolatли қарор.

Афсуски, кўп одамлар ояти каримада кўзда тутилган раҳбарликни қаҳр, жабр ва зулм ўтказишнинг имкони деб тушунадилар. Аслида, бу раҳбарлик масъулиятдир. Ушбу улкан масъулиятга биноан, эркак киши оилани, жумладан, аёлга ҳомийликни, уни боқишини, муҳофаза қилишни адо этмоғи лозим.

Эркак оила раҳбари сифатида унинг ҳимояси йўлида керак бўлса, ўзини қурбон ҳам қиласди, эркакларга хос барча оғирликларни кўтаради,

оилани моддий таъминлайди, оила аъзоларига меҳр ва раҳм-шафқат кўрсатади. Уларга жабр-ситам ва зулм қилишга ҳаққи йўқ. Оилавий ҳаётдаги вазифаларнинг бу тарзда аниқ таснифланиши туфайли оиладаги ижтимоий-ахлоқий муҳит барқарор бўлади, аниқ ҳукуқ ва мажбуриятлар адолатнинг таъминланишига олиб келади.

Эркак ва аёл ўртасида муносабатдаги адолат тенг ҳуқуқлиликнинг бузилиши эмас. Балки икки жинсга бир хил мажбурият юклатилмаганлигининг ўзиёқ адолатнинг кўриниши ҳисобланади. Ислом динида керак бўлган жойда тенг ҳуқуқлилик жорий қилинган. Эркакка эркакларга мос ҳуқуқлар берилган ва мажбуриятлар юклатилган, аёлга аёлларга мос ҳуқуқлар берилган ва мажбуриятлар юклатилган [4].

Умуман, исломий оиладаги адолатнинг асосий элементларидан бири унда ўзига хос тенгликнинг таъминланганлигидир. Хусусан, мусулмон динининг оила билан боғлиқ шаърий масалаларидан келиб чиқиб, айтиш жоизки, эр ва хотин ўртасидаги тенглик умумоилавий масалалардаги масъулиятнинг тенглиги, ажрашишдаги тенглик, итоатдаги тенглик, меросхўрликдаги тенгликда намоён бўлади. Аёл ва эркак бир-бири учун масъуллиги, доимий равишда бир-бирининг олдида молиявий ва ахлоқий жавобгарлиги, оиладаги энг кичик масалаларда ҳам исломий таълимот қоидаларига амал қилиниши оилада адолатнинг қарор топишига хизмат қиласи.

Исломда ўғил ва қиз фарзандларга муносабатда ота-онанинг адолатли бўлиши, уларга бир хил меҳр кўрсатиши, мулкий жиҳатдан тақсимотда ҳам адолатли бўлиши кўрсатилган. У доимо барча нарсада, барча ерда, барча учун, айниқса ёш болалар учун адолат бўлишининг тарафдоридир. Бу болаларнинг тарбиясига, шахсиятига катта таъсир кўрсатади.

Иброҳимдан ривоят қилинади:

«*Одамлар болалари орасида, ҳамто ўтишида бўлса ҳам, адолат қилишини яхши кўрар эдилар*».

Хусайн Марвазий ривоят қилган.

Ўтган солиҳлар ҳатто болаларини ўпишда ҳам бир хил ўпишга ҳаракат қилишар эди. Адолатсизлик бўлиб қолмасин, биттасини кўпроқ ёки яхшироқ ўпиб қўйиб, иккинчисининг кўнгли синмасин, деган маънода ота-оналар болаларига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомала қиласар эдилар [5].

Демак англаш мумкинки, фарзанд тарбиясида адолат нуқтаи назаридан уларга бир хил имконият, хукуқ ва мажбуриятлар бериш, ҳатто тарбия йўсинида жазолашда ҳам бир хил ёндашиш талаб этилади. Бунда албатта уларнинг жинси, саломатлиги, жисмоний имконияти, руҳий ҳолати каби жиҳатлар ҳам инобатга олиниши талаб этилади. Оиладаги исломий адолат ўзига хос кўпқирралари бўлиб, жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатиши билан характерланади. Чунки оила жамият ичидаги кичик жамият, ижтимоий организмнинг бир ҳужайрасидир. Оилада ахлоқий муҳитнинг соғлом бўлиши бутун жамиятнинг саломат бўлишини таъминлайди.

Оилавий муносабатлар фақат эр-хотин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатдангина эмас, балки ака-ука, опа-сингил, амма-хола, амаки-тоға, буви-бобо ва бошқа қариндошлар билан ҳам адолатли муносабатда бўлишни ўз ичига олади. Жамиятда адолатни таъминлашга қаратилган яна бир исломий тамойил – силайи раҳм, яъни қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлиш, уларнинг ҳолидан боҳбар бўлиш, иқтисодий, маънавий қўллаб-куватлаш ҳисобланади. Аллоҳ таоло қариндошлилик ришталарига риоя қилиш ҳақ-хукуқини оқил, донишманд кишиларнинг улуғ сифатларидан деб баҳолайди.

Қариндошлик алоқаларининг, яъни силаи раҳмнинг аҳамияти адолат, яхшилик қилиш ва бошқа чиройли амаллар каби муҳимдир. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: «*Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишига буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур*» (Нахл, 90).

Шунингдек, Аллоҳ қариндошлар ва қўшниларга алоҳида эътибор қаратишни буюради, ҳатто буни ибодат даражасига кўтаради ҳамда уни ота-

онага яхшилик қилиш билан тенглаштиради [2]. Силайи раҳмнинг жамиятда адолатни ўрнатишидаги асосий роли ижтимоий тенгликни таъминлашда намоён бўлади. Қариндошлик алоқаларининг мустаҳкам бўлиши оиласда иқтисодий, психологик, маънавий заҳиранинг муҳтоjlар учун ажратилиши, тақсимланиши, қийин вазиятда қолган қариндошнинг кўмак туфайли мушкул вазиятдан чиқиб кетиши, бу орқали эса инсоннинг ҳаётини осонлаштириш назарда тутилган. Одатда, силайи раҳм биринчи навбатда, аёлларга, болаларга, яқин қариндошларга нисбатан бўлиши талаб қилинади. Ажрашган ёки тул қолган аёлнинг маҳрами бўлган отаси, акаси, укаси, амакиси ёки тоғаси унинг ҳолидан хабар олиши, ёрдам қўlinи чўзишига мусулмон динида ибодат даражасида қаралади, бу эса ижтимоий ҳаётда адолат тамойилининг қарор топишига, барқарорлигига хизмат қилади.

Энди адолат тамойилининг савдо-сотиқ муносабатларида акс этишига тўхталиб ўтсак. Ислом динида савдо ҳалол қилинган, улуғланган касб ҳисобланади. Шу нарса диққатга сазоворки, Шарқда одамлар қадим замонлардан ҳозирги вақтга қадар шаҳар аҳолисининг фаровонлиги ҳақида бозорлардаги серобгарчилик даражасига қараб ҳукм чиқарадилар. Шу боис ислом қонунлари мажмуасида савдо-сотиқ масалалари муфассал ишлаб чиқилган [3]. Ҳатто, пайғамбаримиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам пайғамбарликларидан олдин савдогарлик билан шуғулланганлар. Лекин бу касбий фаолиятда доимий равишда инсонларнинг мулкий муносабати кузатилганлиги туфайли мусулмон динида адолат тамойилини қарор топтириш, ҳалоллик ва савдода томонларнинг тенглиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Савдо-сотиқ муносабатларида адолат тамойилининг барқарорлигини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларда ижтимоий-ахлоқий мухитнинг барқарорлиги таъминланади.

Исломда савдонинг асл мақсади – жамиятнинг маълум турдаги маҳсулот ёки хизматга бўлган эҳтиёжларини ҳалол йўл билан қондиришдан иборат. Ислом савдо-сотиқ билан шуғулланувчи одамлардан қўйидаги мезонларни билишни талаб қилади:

- 1) савдо-сотиқ қоидаларини билиш;
- 2) харидорлар орасида мусулмонларни ажратмаслик;
- 3) маҳсулотга ҳаддан ташқари қиммат нарх қўймаслик;
- 4) ўзи билан савдо битими тузган одам фикридан қайтиб, ушбу битимни бекор қилишни сўраса, рад этмаслик [8].

Юқорида санаб ўтилган мезонларнинг аксарияти жамиятдаги иқтисодий муносабатларда адолат тамойилининг таъминланишига хизмат қилиб, шу орқали ўзаро савдо қилаётган томонларнинг низога, зиддиятга боришининг олди олинади. Бу эса ижтимоий-ахлоқий муҳит барқарорлигига хизмат қиласди. Масалан, харидорлар орасида мусулмонларни ажратмаслик, турли гурухларга уларнинг диний эътиқоди, этник келиб чиқишидан келиб чиқиб, савдода турли имтиёзлар бермаслик жамиятдаги турли динга эътиқод қилувчилар орасида низолар келиб чиқишининг олдини олади. Ёки савдода маҳсулот ёки хизматга ҳаддан ортиқ нарх қўйиш харидорларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Ислом дини бунда ҳам адолатли бўлишни талаб қиласди, савдода нарх қўйишни назорат қиласди, савдогарларнинг ахлоқий, диний мезонлар орқали инсофли бўлиши рағбатлантирилади. Қолаверса, савдо билан боғлиқ яна бир жиҳат – бу савдо битими тузган инсонларнинг қайсиdir бири бу битимни бекор қилишиdir. Адолат юзасидан айтганда, томонлари teng ҳуқуқ асосида тузилган савдо битимини унинг ҳар қандай аъзоси бекор қилиши мумкин. Ислом тамойиллари асосида амалга оширилувчи савдода бундай ҳолатда иккинчи томоннинг бағри кенг бўлиши, битимни бекор қилишни сўраётган томоннинг сабабларини тўғри қабул қилиши зарурлиги, унинг фикрини рад этмасликни талаб қиласди.

Бу умумий тамойилларнинг барчаси жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ахлоқ қоидалари асосида амалга оширишга, ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтирилган. Бундан ташқари, савдода сотувчининг маҳсулотида айб бўлса, уни айтиб сотиши кераклиги, маҳсулотни мақташда, яъни реклама қилишда унда йўқ сифатларни

айтмаслиги, мавжуд сифатларини ҳаддан ортиқ бўрттирмаслиги, ёлғон гапирмаслиги, тарозидан ёки бошқа ўлчовдан урмаслиги каби ахлоқий талаблар ҳам мавжуд. Исломда бу талабларнинг бажарилиши диннинг кўрсатмаси сифатида талқин этилади, ушбу ҳаракатларни содир этган киши оғир оқибатларга олиб келадиган гуноҳга йўл қўйиши таъкидланади.

Ислом динидаadolat тамойилининг бевосита жамиятдаги ижтимоий ахлоқий муҳитнинг барқарорлигига таъсир этишини шартномалар тузиш, уларга амал қилиш каби фуқаролик муносабатларида ҳам учратамиз. Ислом дини тамойилларига кўра, ҳар бир мусулмон ўзининг ваколати доирасида эркин шартнома тузиши, бунда томонлар тенглиги таъминланиши назарда тутилган. Исломдан олдинги даврда, айниқса араб оламида шартномадаги томонларнинг нотенглиги, судхўрлик, меросдаги қизлар ва аёлларнинг хуқуқсизлиги каби ҳолатлар мавжуд бўлган, бундайadolatсизлик туфайли жамиятда кўплаб норозиликлар келиб чиқкан. Ислом дини қарор топиши билан жамиятдаги бу каби муаммолар ўзининг адолатли ечимиға эга бўлди. Исломгача мерос олмаган, балки аксинча, ўзларига мулк сифатида қаралиб, мерос сифатида тақсимлаб олинган марҳумнинг хотинлари ёки қизларининг мерос олиши Аллоҳнинг амри билан муқаддас Қуръони Каримда (Нисо сурасида) белгилаб қўйилди. Гендер мулкий нотенгликнинг ечилиши эса жамиятда адолатнинг қарор топишига, ижтимоий ахлоқий барқарорликнинг таъминланишига олиб келди. Фуқаролик шартномаларида, битимларда исломий адолатнинг қарор топиши жамиятнинг иқтисодий, ахлоқий, маънавий, илмий жиҳатдан гуркираб яшнашига олиб келди.

Ислом динида оилавий, савдо-сотиқ, шартномалар тузиш каби турли ижтимоий муносабатлар тизимидаadolat каби ахлоқий тамойилнинг қарор топиши ҳамда жамиятда адолатсизликнинг тугатилиши ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшди.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, исломий адолатнинг аҳамияти ҳақида қўйидагича хulosса қилиш мумкин:

Исломий адолат тамойили мусулмонларнинг бошқа дин вакиллари

билинг бахтли, тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшашлари, уларни ҳурмат қилишларининг ахлоқий, маънавий, ғоявий асоси ҳисобланади.

Ислом динида адолат ижтимоий ҳаётнинг турли даражаларида – оиласи, савдо-иктисодий, хуқуқий, фуқаролик-шартномавий, маъмурий муносабатларни тартибга солишда асосий ахлоқий мезон бўлиб хизмат қиласиди.

Оила мусулмон жамияти учун энг кичик ижтимоий бирлик, жамият деб аталган ижтимоий организмнинг таркибини ташкил этувчи жонли субстанция. Унда адолатнинг ўрнатилиши жамиятнинг ҳам адолатли бўлишига, ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ҳамда бахтли ва фаровон турмушнинг гарови сифатида талқин этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Атаев М. Силаи раҳм. <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4981-silai-ra-m> (25.12.2020 йилда олиган)
2. Ибрахимова Д. Ислом динида адолат тушунчасининг талқини: монография – Тошкент: ТДЮУ, 2021.
3. Ибрахимова Д. Ахлоқ – хуқуқ ҳусусийлик, умумийлик жиҳатлари Academic research in educational sciences NUU Conference 2 321-325-бетлар <https://cyberleninka.ru/article/n/axloq-huquq-xususiylik-umumiylilik-jihatlari/viewer>
4. Неклесса Г. Мусульманской торговле... была свойственна горделивая осанка! // Экономика и статистика, 1993. – №7. – С.29.
5. Рахманов А., Рахманов А. Ислом ҳуқуқи: дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, – 2007. – 318 б.
6. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2013.
7. Qur'oni karim ma'nolari tarjimasi. /Abdulaziz Mansur. – Тошкент, 2013. – 483 б. <http://islom.ziyouz.com/kitoblar/qur-oni-karim-ma-nolari-tarjimasi-abdulaziz-mansur>

8. Jumaniyazova D. Spiritualistic Approaches in Eastern Philosophy and Their Religious-Philosophical Essence. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 4 (1) 2023. 114-117.